*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 апрель, чоршанба, 1995 йил

Сотувда эркин нархда. № 70 (1072)

*ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ:*

## МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАГИ ЯНГИ САҲИФА





***11 апрель куни Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.***

Бу ташриф Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегациясининг 1993 йил апрелида Германияга қилган сафарига ўзига хос жавоб ташрифи экани, Боннда ўтган музокаралар якунида яратилган ўзаро муносабатлар ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилишига имкон яратди. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат маҳкамалари, ҳуқуқ тартибот органлари ўртасида ўрнатилган алоқалар фикримиз далилидир. Бундан ташқари, мамлакатимиз вилоятлари ҳам



бевосита иқтисодий хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш, Шарқий Германияда ўтказилаётган ислоҳотлар тажрибаларини ўрганиш мақсадида ГФР федерал ҳудудлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Икки мамлакат халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги биргаликдаги фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширмоқдалар. Германия минтақадаги обрўли давлат сифатида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан манфаатли алоқалар ўрнатишига кўмаклашаётир. Ўзбекистон эса, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришини таъмин этишда муҳим ўрин тутадиган мамлакат бўлиб, Германия Федератив Республикасининг Марказий Осиёга нисбатан янги ташқи сиёсати амалга оширилишида ҳамкор бўлаётир.

Германия Федерал Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ана шу сабабли ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Федерал Президент Роман Герцог ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқдилар. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга Ўзбекистон заминининг анвойи гулларини ҳадя этди.

Президентлар Ислом Каримов ва Роман Герцог махсус шоҳсупага кўтарилди. Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат Президентлари миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропорт биносида меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашди. Сўнгра президентларнинг расмий делегация аъзолари билан танишув маросими бўлди.

Шу ерда Президент Ислом Каримов ва Федерал Президент Роман Герцог қисқа муддат суҳбатлашдилар.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони пойтахтимиздаги шеърият султони ва давлат арбоби Алишер Навоий номи берилган Миллий боғ томон йўл олди. Байрамона безатилган Тошкент кўчаларидаги халқлар дўстлигини улуғловчи, азиз меҳмонларни қутловчи ўзбек ва немис тилидаги битиклар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари Роман Герцог ва у раҳбарлик қилаётган делегацияни олқишлади.

***

Германиялик мўътабар меҳмоннинг Ўзбекистонга ташриф дастури Алишер Навоий боғида, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

Германия Федерал Президенти Роман Герцог Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк шоирга ҳурмат ва эҳтиром бажо этди. Бу ерда тўпланган жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарларига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига умид билдирдилар.

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройи мўътабар қадамжолардан бири бўлиб бормоқда. Исми-жисмига мос бу масканда Ўзбекистон халқи билан турли мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғланаётир. Президент Ислом Каримов меҳмонлар бир оз дам олганларидан сўнг Германия Федерал Президенти Роман Герцогни ушбу муҳташам сарой олдида қарши олди. Бу ерда икки давлат расмий делегациялари ўртасида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бошланди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Германия ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Расмий музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида муносабатлар асослари тўғрисидаги Қўшма баёнот, шунингдек, фуқароларнинг ўзаро эркин бориб-келдилари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги немис ҳарбийлари қабрлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Германия Федератив Республикаси давлат котиби, ташқи ишлар вазири ўринбосари Вернер Хойер имзо чекдилар.



Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Германия Федерал Президенти Роман Герцог шарафига қабул маросими уюштирди.

**(ЎзА).**

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ, С. ЗУФАРОВ олган суратлар.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Варшавага ташрифингиз чоғида Сиз бориб кўрган Шарқ клуби аъзолари номидан ва уларнинг топшириғига биноан ҳамда шахсан ўз номимдан, жаноб Президент, Сизни халқ Референдуми якунлари билан табриклашга рухсат этгайсиз.

Президент жаноблари, Референдум якунлари Ўзбекистон фуқаролари иродасининг ёркин ва ишонарли намоён бўлишидир. Сизга халқ бахт-саодати, мустақил давлатнинг гуллаб-яшнаши, янги бозор иқтисодиёти шароитида уни ривожлантиришнинг юксак мақсадларига эришиш, шунингдек дўст мамлакатлар, жумладан Польша Республикаси билан амалий муносабатларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги тарихий фаолиятингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

**А. БУДИМЭКО,**
**Шарқ клуби президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистонда ўтказилган Референдум якунлари муносабати билан чин қалбимдан йўллаган самимий табригимни қабул қилгайсиз. Референдум якунлари Сизнинг обрў-эътиборингиз юксаклигидан, Сизга — ўзбек халқининг содиқ фарзанди, атоқли сиёсатчи ва давлат арбобига меҳр-муҳаббат ва чуқур ҳурматдан далолатдир. Халқ оммаси ўз фикрини билдириши Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда мустақил мамлакатингизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг орзу-умидларига мос келадиган йўлдан бораётганини кўрсатди. Сизнинг раҳбарлигингизда эришилган ютуқлар кучли Президент ҳокимияти кенг демократия ҳамда оқилона бошқариладиган бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ҳақиқий ўзгартишлари билан уйғунлашган Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига эришиш борасида эълон қилинган мақсадларга содиқ эканингизга кафолат бўлиб хизмат қилади.

Сизга узоқ умр ҳамда якдиллик билан Сизга юксак ишонч билдирган халқингиз бахт-саодати йўлида самарали меҳнат қилишингизни тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

**А. ВОЛЬСКИЙ,**
**Саноатчилар ва тадбиркорлар халқаро конгресси президенти.**

*• Шошилинч хабар*

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазият сўнгги кунларда яна кескин тус олди. Қуролли жангариларнинг Афғонистон ҳудудидан қилган ҳаракатлари натижасида Россия ва Қозоғистон ҳарбий хизматчилари орасида қурбонлар бор.

Ўзбекистон Республикаси тожик миллати ўртасидаги мулоқотни давом эттириш, миллий сулҳга эришиш ҳамда Тожикистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида анча куч-ғайрат сарфлади.

Президент Ислом Каримовнинг Тожикистон мухолифати раҳбарлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувида Тожикистон тушиб қолган оғир аҳволдан фақат сиёсий мулоқот йўли билан, ташқаридан бўладиган тазйиқларсиз, ўзаро муроса йўлларини излаш асосидагина чиқиш мумкинлиги таъкидланган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти мухолифатни мақсадга эришишнинг ҳарбий, жангарилик усулларидан воз кечишга чақириб, бу усуллар тожик миллатининг, Тожикистон халқининг манфаатларига мутлақо мос келмаслигини айтган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмагида тожик миллати ўртасидаги мулоқотни давом эттиришга қаратилган фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, мухолифатни муаммони ҳал этишнинг ҳар қандай қуролли усулларидан тийилиб туришга чақиради ва бундай иғвогарлик тадбирларини қатъиян қоралайди.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 апрель.

## РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 11 апрель куни бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 13,05 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 26,10 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 12 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1 Австралия доллари** | **19,28** | **10 Португалия эскудоси** | **1,77** |
| **1 Австрия шиллинги** | **2,64** | **1 Сингапур доллари** | **18,64** |
| **1 Англия фунт стерлинги** | **41,67** | **1000 Туркия лираси** | **0,61** |
| **10 Бельгия франки** | **9,05** | **1 Финляндия маркаси** | **6,07** |
| **1 Голландия гульдени** | **16,60** | **4 Франция франки** | **5,34** |
| **10 Греция драхми** | **1,15** | **1 Швеция кронаси** | **3,55** |
| **1 Дания кронаси** | **4,73** | **1 Швейцария франки** | **22,60** |
| **1 АҚШ доллари** | **26,10** | **1 ЭКЮ** | **34,26** |
| **1 Миср фунти** | **7,65** | **10 Япония иенаси** | **3,10** |
| **1 Ирландия фунти** | **41,98** | **1000 Россия рубли** | **5,30** |
| **1 Исландия кронаси** | **0,41** | **1 Эстония кронаси** | **2,33** |
| **10 Испания песети** | **2,09** | **1000 Украина карбованеци** | **0,20** |
| **100 Италия лираси** | **1,52** | **1 Латвия лати** | **51,48** |
| **1 Канада доллари** | **18,90** | **1 Литва лити** | **6,53** |
| **1 Кувайт динори** | **89,20** | **1 Қозоғистон тенгеси** | **0,42** |
| **100 Ливан фунти** | **1,60** | **1 Молдова лейи** | **5,87** |
| **1 Германия маркаси** | **18,59** | **1000 Беларусь рубли** | **2,27** |
| **1 Норвегия кронаси** | **4,15** | | |

Марказий банк 1995 йил 12 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,10 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,10 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## «ТИББИЁТ ВА САЛОМАТЛИК — 95» КЎРГАЗМАСИ

«Ўзэкспомарказ» павильонида «Тиббиёт ва саломатлик—95» халқаро кўргазмаси очилди. Уч кун давом этадиган тиббиёт кўргазмасида 25 мамлакатнинг 100 дан зиёд компаниялари замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, оптика ва мосламалар, янги дори-дармонларни намойиш этадилар.

Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган тиббиёт ходимлари, олимлар, хорижий фирмаларнинг вакиллари қатнашмоқда.

Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов кўргазма қатнашчиларини мазкур анжуман билан табриклаб, уларга тиббиёт соҳасида ҳамкорлик қилишларига муваффақият тилади.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Шу нарса қайд этиб ўтилсинки, қабул қилинган қарорларга қарамай, ташқи иқтисодий фаолиятда турли баҳоналар билан бартер (мавоза) операциялари ҳамон амалга оширлаяпти, улар бўйича номутаносиб тарздаги айирбошлаш ҳоллари мавжуд бўлиб, солиқларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда келиб тушиши ҳамда валюта даромадининг бир қисмини мажбурий равишда сотиш таъминланмаяпти. Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), Прокуратура (Мустафоев) 1994 йил ҳамда 1995 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра ушбу масала бўйича ишларнинг аҳволини таҳлил этсинлар ва «Бартер» (мавоза) асосида амалга ошириладиган экспорт-импорт операцияларидаги бузғунчиликлар ва суиистеъмолларни бартараф этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 9 июлдаги Фармонини бузганлик учун айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

2. Юқорида айтилган Фармоннинг 2-бандига қўшимча қилиб шу нарса белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг рухсати билан истисно тарзидагина бартер (мавоза) бўйича экспорт-импорт операцияларига йўл қўйилади.

3. Бартер операцияларини амалга ошириш чоғида солиқ солиш мақсадларида маҳсулот жўнатилган кунни маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинган пайт деб ҳисоблансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, барча экспорт ва бартер шартномалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва вакил қилинган банкларда қайд этилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда Бош божхона бошқармасида ҳисобга олиниши лозим.

5. Валюта даромадининг бир қисмини мажбурий сотиш бўйича белгиланган тартиб бузилган ҳолларда солиқ органлари айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорларда молиявий жазо чоралари ҳамда маъмурий жарималарни қўлласинлар.

6. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида давлат солиқ қўмитасининг, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг, вакил қилинган банкларнинг раҳбарлари огоҳлантирилсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

8. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 апрель

**Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш мақсадида истиқлол сари ишонч билан, дадил одимламоқда. Ёш давлатимиз овози дунёнинг деярли ҳамма бурчакларида баланд янграётганлиги, иқтисодиётда эса ҳозирги вақтинчалик қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмай, шарт-шароитларимизга мос тўғри йўл тутилаётганлиги шундан далолат беради.**

*Исмоил ЖЎРАБЕКОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари*

# ЭЛ-ЮРТНИНГ ТИНЧ-ТОТУВЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда ҳаммамиз Президент раҳбарлигида Ўзбекистонда кенг миқёсда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бевосита иштирокиси ва бу ислоҳотлар самараларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, республикамизда барча миллату элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тенглиги таъминланганлиги кўпчиликка маъқул ва манзур бўлмоқда.

Эндиликда жаҳоннинг кўпчилик давлатлари Ўзбекистонимизни тан олди. Биз ўзлигимизни ҳам, дунёни ҳам таний бошладик. Шу тариқа мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори кундан-кунга ортиб бормоқда.

Шу йил, 23-24 февраль кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессияси якунлари республикамиз тараққиёт йўлидан комил ишонч билан бораётганини яна бир бор кўрсатди.

Янги парламентнинг ўзига хослиги унинг таркибида блок ва сиёсий фракциялар тузилганлиги бўлди. Бу янгилик мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чинакамига жонланаётганлигидан далолатдир. Чунки Олий Мажлис сессиясида блок ва фракцияларнинг вакиллари бугунги сиёсатга ўз муносабатларини билдириб, асосий мақсадлари — халқимизнинг фаровонликка эришиши йўлидаги қийинчиликлар ва муаммоларни бартараф этишга хизмат қилишдан иборат эканлигини баён этдилар.

Ушбу сессияда Президентимиз «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида» маъруза қилди. Бу дастуриламал ҳужжатда республика сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг концепцияси, фуқаролар ҳуқуқий жамиятини вужудга келтириш ва маънавий-ахлоқий қадриятларимизни тиклашнинг асосий негизи ифодалаб берилди. Бошқача айтганда, мамлакатимизда амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари, келажак йўлимиз, вазифа ва режаларимиз аниқ-равшан белгилаб берилди.

Юртбошимиз парламентнинг ишида кўп партиявийлик тамойили жорий этилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Зеро, етмиш йилдан кўпроқ вақт ичида қарамлик тузуми шароитида хатти-ҳаракатлари ва тафаккури чеклаб қўйилган аҳолининг дунёқараши ва тушунчаларини ўзгартириш ва, ниҳоят, уларни янги ғоялар, умуминсоний қадриятлар тамойиллари билан бойитиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, жамиятни такомиллаштиришда ҳурфикрлилик, қарашлар, тушунчалар, оқимлар, йўналишлар ранг-баранглиги муҳим мазмун касб этиши муқаррардир.

Парламентдаги ҳар бир партия фракцияси бошқалардан фарқ қиладиган ўз фаолият дастурига эга бўлиши лозимлиги, турли йўналишдаги блоклар, партиялар, республикада ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий ўзгаришларга қандай сиёсий-ташкилий усуллар билан кўмаклашишини аниқ ва равшан тасаввур этиши кераклиги алоҳида уқтирилди. Мамлакатнинг янги парламентида сиёсий муроса фаолиятнинг асосий қоидаси бўлмоғи керак. Фақат турли блок ва фракцияларнинг ғоя ва фикрлари кураши негизидагина халқимиз олдида турган энг муҳим вазифа ва муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўллари аниқланиши мумкин.

Сессияда сўзга чиққан депутатлар маърузанинг асосий қоидаларини якдиллик билан маъқулладилар ва бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартириш йўлидан боришга қатъий аҳд қилганликларини, амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдири учун масъулиятни зиммаларига олишга тайёр эканликларини баён қилдилар. Шундай экан, биз, ҳаммамиз — барча раҳбар ходимлар, мутахассислар Президентимизнинг ана шу маърузасида баён этилган йўл-йўриқлар, фикр-мулоҳазаларни чуқур ўрганишимиз, уларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида ўз шарт-шароитларимиздан келиб чиқиб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз лозим. Айни пайтда улар ўзлари раҳбарлик қилаётган давлат бошқарув органлари, корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар, идоралар, меҳнат жамоалари фаолиятини ана шу қоидалар ва талаблар асосида ҳар томонлама таҳлил қилишлари, мавжуд қийинчиликларни тезроқ енгиш йўлларини қидириб топишлари шарт.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги вақтда собиқ иттифоқ республикаларида бўлаётганидек, биз ҳам айрим иқтисодий қийинчиликларни бошимиздан кечирмоқдамиз. Айни вақтда бизда жаҳон талабларига мос келадиган ўзига хос иқтисодиётимизни яратишнинг аниқ йўллари ишлаб чиқилган ва у муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси мавжуд қийинчиликларни бартараф этишга, тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилишга имкон бераётир.

Муҳими — иқтисодиётимизда ижобий ўзгаришлар кўзга яққол ташланмоқда. Масалан, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик тадбирлари, хусусан, қурилиш ишларини олиб кўрайлик. Навоий вилоятида олтин ишлаб чиқарадиган «Зарафшон—Ньюмонт» қўшма корхонаси, фосфорит заводи, Андижон ва Хоразм вилоятларида Марказий Осиёда энг йирик автомобиль заводлари барпо этилмоқда. Бухоро вилоятининг Қоровулбозор қўрғонида 5,5 млн. тонна нефтни қайта ишлайдиган заводни, Қашқадарёда Кўкдумалоқ ва Наманганда Мингбулоқ нефть конларини тезроқ фойдаланишга топшириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Янги Ангрен ва Толлимаржон ГРЭСларида эса янги қувватларни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Деҳқончилик-саноат мажмуида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам ўз самарасини бераётир. Барча давлат хўжаликлари жамоа, ширкат хўжаликларига айлантирилди. 1517 та қорамолчилик фермаси меҳнат жамоаларига хусусий мулк қилиб берилди. Деҳқон (фермер) хўжаликлари сони эса 14800 тадан ошиб кетди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиёт тузилмасида ижобий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Оқибатда ўтган йили пировард истеъмолга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғи 29 фоиздан 33 фоизгача ўсди. Четдан келтирилаётган дон, гўшт ва сут миқдори 1991 йилга нисбатан анча камайди. Республикамизда икки-уч йил ичида ғалла мустақиллигига тўла эришамиз.

Бундай ажойиб ютуқларни **Қорақалпоғистон Республикаси** ва вилоятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Қорақалпоғистон Республикаси халқ хўжалигининг барча соҳаларида чуқур ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб бормоқда. Биржалар, товарлар, меҳнат, қимматли қоғозлар бозори кун сайин кўпаймоқда.

Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганлиги ҳаммамизга маълум. Кейинги пайтларда бу ерда бир қатор янги замонавий корхоналар барпо этилди. Бундан буён ҳам, ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Қорақалпоғистонда бунёдкорлик ишларини янада кенг миқёсда олиб бориш мўлжалланмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси яқинда Кўнғирот сода заводи қурилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Бу Марказий Осиёда энг йирик корхона бўлиб, унинг биринчи навбати ишга туширилса, йилига 190 минг тонна кальцийли сода ишлаб чиқарилади. Экологик шароитни яхшилаш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, шаҳар, овуллар ва қишлоқларни газлаштириш, уларни ободонлаштириш ишлари ҳам жадал давом эттирилади. Пировардида республикада мавжуд корхоналарнинг ярмидан кўпроғи давлат тасарруфидан чиқарилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва халқ хўжалигида иш билан банд бўлган ходимларнинг 40 фоизга яқини нодавлат секторнинг улушига тўғри келади. Шу мақсадда ўтган муддат давомида мулк шаклини ўзгартирган корхоналар, хўжаликлар, хусусийлаштирилган фирмаларда ички иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги усулларини жорий этиш, бошқарув аппаратларини қисқартириш бўйича ижобий ишлар рўёбга чиқарилди. Келгусида ҳам Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳтларнинг тезроқ самара бериши учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан барча чора-тадбирлар кўрилади.

**Хоразм вилоятида** бозор муносабатларини шакллантириш, истеъмол бозорини тўлдиришга қаратилган аниқ ва режали дастурлар амалга оширилаётганлиги туфайли саноатда, қишлоқ хўжалигида, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида бу ерда кўп укладли иқтисодиёт жадал суръатда шаклланмоқда. 1993—1994 йиллар давомида воҳада жами 2225 та корхона хусусийлаштирилди.

Вилоят ҳокимлиги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар сонини кескин кўпайтиришга, чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда харидоргир ва рақобатга чидамли маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Масалан, Урганч ипакчилик фабрикасида вилюр-помбархат, Шовот туманида ўт олдиргич (зажигалка), Боғотда тиббиётда ишлатиладиган момиқ (вата) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Умуман, 1994 йилда вилоят саноат корхоналарида таққосланган нархларда 545 миллион сўмлик, шу жумладан, 202 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу 1993 йилга нисбатан 58 фоиз кўпдир. Бунда давлат тасарруфида бўлмаган корхоналар салмоғи 36 фоизни ташкил этди, ёки олдинги йилга нисбатан беш марта кўпайди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми бир миллиард 250 миллион сўмликка етди. Ноозиқ-овқат моллар ишлаб чиқариш эса 9 фоизга ошди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги мажмуида бултур 312 минг тонна пахта, 108 минг тонна шоли, 20 минг тонна буғдой, 30 минг тонна маккажўхори дони, шунингдек, 47 минг тоннага яқин сабзавот, 8 минг тонна картошка, 15 минг тонна полиз ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Чорвачилик учун белгиланган режалар бажарилиб, 12 минг тонна гўшт, 57 минг тонна сут, 92 миллион дона тухум тайёрланди.

Қўлга киритилаётган ана шу ютуқлар натижасида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. 1995 йилнинг 1 январигача вилоят аҳолисининг 82 фоизи газ билан таъминланди. 1994 йилнинг ўзида 206 км. «зангори олов» ва 155 км. ичимлик суви тармоқлари қурилиб, ишга туширилди. 240 минг квадрат метрлик турар жой эса фойдаланишга топширилди.

**Бухоро вилоятида** 1993-1994 йиллар давомида хусусийлаштирилиши лозим бўлган 5300 та иншоотдан 4200 таси ёки қарийб 80 фоизи мулк шаклини ўзгартирди. Корхоналарда эса халқ истеъмол моллари ва чет эл инвестициялари ёрдамида рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тобора кўпаймоқда. Айниқса, Жанубий кореяликлар билан ҳамкорликда тайёрланаётган «Голдстар» русумли телевизорлар, болгарияликлар иштирокида ишлаб чиқарилаётган телефон аппаратлари, Греция билан ҳамкорликда қоракўл теридан тайёрланаётган бежирим кийимлар, италияликлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган қурилиш плиталари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар жаҳон бозори талабларига жавоб бермоқда. Енгил саноат ходимлари томонидан ишлаб чиқарилаётган газламаларга эса мамлакатимизда ҳам, унинг ташқарисида ҳам талаб катта.

1994 йилда вилоят саноат корхоналарида бурноғи йилга нисбатан 10 фоиз ўсишга эришилди. Давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарнинг ялпи маҳсулотдаги улуши 77 фоизни ташкил этди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўтган йилга таққослаганда 101 фоизга етди. «Барака — ҳаракатда-94» дастури асосида четдан кўплаб миқдорда шундай маҳсулотлар олиб келинди. Бу йил эса «Истеъмол бозорини тўлдириш-95" дастури изчил амалга оширилмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалигида эришилаётган муваффақиятлар ҳам қувончли. Бултур 359 минг тонна пахта, 56 минг тонна буғдой, шунингдек, 44 минг тоннага яқин сабзавот, 18 минг тонна узум, 3 минг тонна картошка, 38 минг тонна полиз ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 14 минг тонна гўшт, 72 минг тонна сут ва 16 млн. дона тухум тайёрланди. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ўтган йили вилоят бўйича боғ ва токзорларнинг қарийб 50 фоизи асосий воситаларни сотиб олиш шарти билан аҳолига берилди.

Вилоятда Президентимизнинг аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги Фамонини бажариш юзасидан кўплаб ишлар қилинди. 1995 йилнинг 1 январигача хонадонларнинг 64 фоизи газ, 44 фоизи сув билан таъминланди. 1994 йилнинг ўзида 599 км. табиий газ ва 134 км. ичимлик суви тармоқлари қурилиб, ишга туширилди. Бухоро-Дамхўжа сув узатгичи қурилиши ниҳоясига етгач, бу борадаги ишлар янада яхшиланди.

Шахсий уй-жойларни қуриш иши ҳам жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. 1994 йилнинг ўзида 400 минг кв. метр турар жойнинг калити ўз соҳибларига топширилди. Бу бурноғи йилдагидан 7 фоиз кўпдир.

Бироқ, Бухоро асосан аграр вилоят эканлиги ҳисобга олинса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Ҳозирги кунда мазкур ҳудудда пахтанинг қарийб 30 фоизи, қоракўл терининг 40 фоизи, жуннинг деярли ҳаммаси қайта ишланмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки, вилоятда бу борада ички имкониятлар етарли. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик, чорвачиликда эса маҳсулдорлик йилдан-йилга пасайиб кетаётганлиги ҳам ташвишланарли ҳолдир.

**Навоий вилоятида** 1993-1994 йиллар давомида жами 1500 та корхона ёки мулк шаклини ўзгартириш лозим бўлган корхоналарнинг 70 фоизга яқини хусусийлаштирилди. Мамлакатимиздаги йирик кимё корхоналаридан бири — «Электрокимё» заводи акционерлик жамиятига айлантирилди. Бугунги кунда вилоятда бутун республикада тайёрланаётган цемент маҳсулотининг асосий қисми, кўплаб миқдорда минерал ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда. «Агама» ва «Зариспарк» қўшма корхоналарининг маҳсулоти эса республикамиз ташқарисида ҳам харидоргирлиги билан ажралиб турибди. Машҳур Нурота мармарининг сифати яхшиланиб, жаҳон бозори талаблари даражасига кўтариш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Йирик саноат марказлари — Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларига эса табиий газ олиб келиш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган йили вилоятда 597 млн. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. 203 км. табиий газ ва 85 км. ичимлик суви тармоқлари қурилиб, ишга туширилди. Натижада вилоят аҳолисининг 55 фоизи «зангори олов»дан баҳраманд бўлди, 67 фоизи эса ичимлик суви билан таъминланди.

Шу билан бирга, мулк шаклини ўзгартирган корхоналар, хўжаликлар, фермаларда ички иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш кўнгилдагидек эмас. Хусусийлаштириш жараёни суст кетмоқда, мулк эгасини топмаяпти, кадрларни танлаш ва тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди. Бундай камчиликларни Президентимиз шу йилнинг бошида бўлган халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Лекин амалда ўзгариш сезилмаётир.

Вилоятда кўпгина йирик корхоналар акционерлик жамиятларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилган бўлса-да, дуруст натижа бермаяпти. Шу йилнинг январь ойида акционерлик жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқариш солиштирма нархларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 65 фоизни ташкил этди, холос.

Саноат корхоналаридаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида бу кўрсаткич 68 фоизга, «Навоийцемент»да эса 73 фоизга тенг бўлди.

Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона ва бошқа вилоятларда ҳам иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, бу вилоятларда тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш бўйича яхши ишлар қилинмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, республика иқтисодиётида бозор муносабатларининг чуқурлашиб бораётгани кўриниб турибди. Бироқ ҳали ҳамма жойда мулк шаклини ўзгартириш, корхоналар, хўжаликлар, хусусийлаштирилган фермаларда ички иқтисодий ислоҳтларни такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилиниши керак. Шундай экан, ҳар бир раҳбар, мутахассис, тадбиркор иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини, ўзи бошқараётган корхонадаги ишнинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқиши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш йўлларини қидириб топиши лозим. Эндиликда ҳаммамиз мулкни ҳақиқий соҳиблари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини шакллантириш тўғрисида жиддий ўйлашимиз зарур. Ҳар бир тармоқда, корхонада, хўжаликда устивор йўналишларни аниқ-равшан белгилаб олсаккина, жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни қандай ва нима ҳисобига ишлаб чиқариш мумкинлигини тўлиқ тасаввур этсаккина, мақсадга эриша оламиз. Аввало, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда ички бозорни энг зарур товарлар билан тўлдириш бўйича аниқ дастурларни ишлаб чиқиш даркор. Ҳозирги вақтда кундалик эҳтиёж учун зарур товарларни марказлаштирмаган тартибда четдан харид қилиш ҳажмларини кескин кўпайтириш орқали ички бозорни тўлдириш, аҳоли таъминотида узилишларга йўл қўймаслик юзасидан маҳаллий ҳокимликлар жиддий чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Маълумки, 26 мартда мамлакатимизда Президент ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ Референдуми бўлиб ўтди. Ана шу муҳим сиёсий тадбирнинг аҳамияти ва моҳияти нимада?

Энг аввало, Референдум ўтказиш ташаббуси халқ томонидан сайланган ва ўз қарорида Конституцияга асосланган парламентдан чиқди. Шу сабабли, мазкур тадбирнинг қонунийлиги заррача ҳам шубҳа туғдирмайди.

Иккинчидан, ўз миллий давлатчилигини қураётган, ҳокимиятнинг сифат жиҳатидан янги сиёсий тузилмаларини барпо этаётган Ўзбекистон учун Президент билан парламент ваколатлари муддатидаги номутаносибликни бартараф этиш, ижроия ҳокимияти — ҳукумат, қонун чиқарувчи олий орган — парламент ва бутун халқ ҳаракатлари бирлигини таъминлаш ғоят муҳим эди. Ўтказилган Референдумнинг моҳиятига айни шу жиҳатдан қарамоқ керак.

Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, биз ҳуқуқий, демократик давлат барпо этаямиз. Эркин жамият қураяпмиз. Бундай жамият фуқаролари эса оқу қорани ажрата оладиган, ўз ҳуқуқини танийдаиган, қисқача айтганда, сиёсий жиҳатдан саводли бўлмоғи тақозо этилади. Шу маънода, республика Референдумига тайёргарлик жараёни, унинг юксак уюшқоқлик билан ўтгани, ҳамюртларимизнинг овоз бериш участкаларига барвақт келиб, ўз фуқаролик ҳуқуқини амалга оширгани — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг сиёсий онги юқори кўтарилганидан, ижтимоий фаоллиги ортганидан далолат беради.

Умумхалқ сўровининг яна бир аҳамияти шуки, у жамиятимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар борасидаги кўплаб саволларга жавоб берди. Президентимиз Ислом Каримов машваратларда, фаоллар ва меҳнаткашлар билан мулоқотларда «Ишлаб чиқариш, пахта ва ғалла етиштириш, бу — бўладиган ишлар. Лекин одамлар, халқ жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни ҳис этаяптими? Улар мана шу ислоҳотлар нима учун қилинаяпти, унинг моҳияти нимада, шуни тушуниб етаяптими?» деган саволарни кўп такрорлайди. Референдум мазкур масалаларга ҳам муайян аниқлик киритди. Унга ҳозирлик кўриш жараёнида турли ёшдаги, ҳар хил касб эгалари бўлган юртдошларимиз изҳор этган фикрлар буни яққол кўрсатди. Айниқса, Референдумнинг узил-кесил якунлари халқимиз Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва мос тараққиёт йўлига содиқ эканини, бу йўл охир-оқибатда ёруғ манзил — фаровон ва тўкин-сочин ҳаётга элтишига ишончи мустаҳкамлигини намоён қилди. Бу билан эса жонажон Ўзбекистонимизнинг янада иқтисодий бақувват, гўзал бўлиши, жаҳондаги энг мутараққий давлатлар қаторидан ўрин олиши учун хотиржам, самарали ишлашга қатъий бел боғлаганини яна бир карра эътироф этди.

*• Акс-садо*

# «ОШНАНГ ОЛАҚАРҒА БЎЛСА»

**(«Халқ сўзи», 8 апрель, 1995 йил) мақоласи юзасидан таҳририятга кўплаб хатлар келяпти. Биз қуйида уларнинг айримларини диққатингизга ҳавола этамиз.**

## ТУЗЛИҒИГА ТУПУРИШ ЭМАСМИ?

**Тинчлик, осойишталик — улуғ неъмат. Унинг нима эканлигини, урушни кўрган, бошидан кечирган ёки қўшни юрт ва мамлакатларда рўй берган ва рўй бераётган биродаркушлик жангларининг жабрини тортган кишилардан сўраш керак. Ёки уни ҳис қилмоқ учун киши юрт, миллат қайғуси ва келажагини англамоғи даркор.**

Шу йилнинг 8 апрелида эълон қилинган «Ошнанг олақарға бўлса..» сарлавҳали мақолани ўқиб, ушбу мулоҳазаларни ёзишга қарор қилдим.

Ўзбекистон ҳозир ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Бу давр ўз-ўзича кечмаслиги, у мамлакат ҳаёти ва келажагини белгилайдиган ҳал қилувчи восита эканлигини барча фуқароларимиз яхши билишади. Нафсиламрига ҳаммамизнинг ягона ниятимиз бўлган мамлакатимизни келажакда буюк давлатга айлантириш учун бизга айни пайтда тинчлик ва осойишталик зарур. Лекин бизни бир пайтлар ўзларини «ҳақиқий демократлар», «миллатпарварлар» деб санаган кишилар бугунги кунда ўз туғилган юртларида ҳатто қон тўкилишини исташаётгани ҳайратга солмоқда. Наҳотки улар куни кеча қўшни Тожикистонда биродаркушлик уруши туфайли не-не кўргиликлар содир бўлганлигидан бехабар бўлсалар. Киши агар ҳақиқий миллатпарвар бўлса, юрти, миллати бошига мушкуллик лар тушганида четда туриб, устидан мағзава сочмасдан, ҳамюртлари билан бир сафда елкама-елка туриб курашиши, халқнинг ташвиш ва қувончларига шерик бўлиши керак эмасми?

Эркчиларнинг бу қора иши ўз юртига, миллатига хиёнат қилиш, тузлиғига тупуриш билан баробардир.

**Қодир МАВЛОНОВ.**
**Жиззах вилояти.**

## ҚИЛМИШИГА ЯРАША...

**Мақола бирор газетхонни бефарқ қолдирмайди деб ўйлайман. У соф виждонли ҳар қандай кишини ўйлантирибгина қолмасдан, собиқ «Эрк» партиясининг раиси Мадаминов Салай (Муҳаммад Солиҳ)нинг қўпорувчиликдан иборат ғараз ишларига нафрат ҳам қўзғатади.**

Шунингдек, ушбу мақола фуқароларимизни янада жипслашишга, мустақил давлатимизни ёмоҳ ниятли кимсалардан ҳимоя қилишга, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизни жадаллаштиришга, Ватанимиз кучқудратини оширишга, ўзимизни эса алдовларга, тухматларга ишонмасликка чорлайди. Шу заминда туғилиб, тарбия топиб, бир ҳаводан нафас олиб, Ўзбекистон фуқаросиман деб юрган ҳар бир киши бундай аламзада кимсаларни ватандош, юртдош дейишга тили бормайди.

Мурод Жўраев, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасига қарши алоҳида хавфли жиноятлар содир этишга яқиндан кўмак бериш мақсадида бўлганлар. Салайнинг бу «малай»лари одил суд олдида қилмишига яраша жазосини олишди.

Мустақил Ўзбекистонимиз кундан-кунга гуллаб яшнамоқда. Улкан ишларимизни юртдошларимиз билан бир қаторда ўзга давлат фуқаролари ва раҳбарлари ҳам тўлиқ маъқулламоқдалар. Бизнинг вазифамиз, нафақат истиқлолни мустаҳкамлаш, балки уни ҳимоя қилиш ҳамдир.

**Муҳаммадали ТОШТЕМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.**



*Ғаллаорол туманидаги «Кўкдумалоқ» жамоа хўжалиги чорвадорлари бу йил қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлаб шу соҳа бўйича вилоятда етакчилик қилдилар.*

*Бу ютуқларга эришишда хўжаликнинг 3-бўлими чўпонларига бошчилик қилаётган Ашур Тоғаевнинг ҳам муносиб улуши бор. Унинг қарамоғида 3,5 минг бош совлиқ бўлиб, ҳар бош совлиқдан биттадан қўзи олишга муваффақ бўлди.*

*СУРАТДА: Ашур Тоғаев.*

**Н. АЛМУРОДОВ** тасвирга олган.

